

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРЫМБЕТОВ ТИМУР УЗАКБЕРГЕНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Нурымбетов Тимур Узакбергенович

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)3

Нурымбетов Тимур Узакбергенович

Направления диверсификации сельскохозяйственного производства
(на примере Республики Каракалпакстан)25

Nurimbetov Timur Uzakbergenovich

Directions of diversification of agricultural production (on the example of the
Republic of Karakalpakstan).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРЫМБЕТОВ ТИМУР УЗАКБЕРГЕНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt371 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саматов Ғаффор Аллакулович

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назарова Фотима Хакимовна

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Яшнар Эгамбердиевич

иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz.)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сони ошиши билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳажми ҳамда жаҳон бозорларида харидоргир бўлган маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш сингари долзарб муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўрни ортиб бормоқда. Зеро, БМТ маълумотларига кўра, “2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 9,2 млрд. кишига етиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда”¹. Аграр секторнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро ҳисобкитоб механизмларини ишлаб чиқиш ва бу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бу борадаги илмий тенденциялар ҳисобланади.

Глобал иқлим ўзгариши ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларига кимёвий моддалардан мунтазам фойдаланиш ерларнинг экологик жиҳатдан бузилишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун талаб этиладиган экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда. Шунингдек, “озиқ-овқат маҳсулотларини “даладан дастурхонга” схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари нес-нобуд бўлмоқда”².

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити кучайиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги корхонасининг маҳсулотлар бозоридаги рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва фаолият самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Жумладан, “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”³ бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунингдек, “... қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиз”⁴ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш минтақанинг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради. Диверсификациялаш ҳисобига ҳудудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаштириш, ҳудуднинг табиий ресурс-

¹ Позаботимся о будущем сельского хозяйства. – www.bayer.ru

² Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎЗР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» нашриёти, 2016 й., 257 б. (4 б.).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси. – www.uza.uz

ларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонлари, 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғриси-да”ги ПҚ-3318-сон қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик тизимларида диверсификациялаш, уларнинг шакллари ва қонуниятларини ўрганишнинг асосий назариялари Г.Господарчук, Ж.Кэмпбелл, Д.Львов, Р.Макконнелл, Г.Немченко, Р.Нуреев, М.Портер, А.Смит, А.Томпсон, Р.Фатхутдинов, С.Фисак⁵ сингари таниқли хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларининг турли жиҳатлари ўзбекистонлик олимлар С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Ҳусанов, Ў.П.Умурзаков, Қ.А.Чориев, Б.Б.Беркинов, О.Муртазаев, Н.С.Хушматов, Т.Ҳ.Фармонов, Ф.Х.Назарова, Н.А.Аимбетов, У.Х.Нигмаджанов, Ғ.А.Саматов⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган.

⁵ Господарчук Г.Г. Развитие регионов на основе финансовой интеграции. – М.: Финансы и статистика, 2006.; Кэмпбелл Р. Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Таллин, 1993.; Львов Д. С. Институциональная экономика. – М.: Инфра-М, 2001. – 320 с.; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы, политика. В 2-х т. / Пер. с англ., 2-е изд. – М.: Республика, 1993.; Немченко Г.И. Диверсификация производства – Благовещенск: Изд-во Дальневост. отделения РАН, 1994. – 224 с.; Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. 3-е изд., испр. и доп. – М., 2014. – 624 с.; Портер М.Е. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. с англ, Е. Калинина. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005, - 714 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народа. – Петрозаводск: Петроком, 1993. – 320 с.; Томпсон А.А. Стратегический менеджмент: концепции и ситуации: Учебник для ВУЗов. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 119 с.; Фатхутдинов Р.А. Глобальная конкурентоспособность. – М.: РИА «Стандарты и качество», 2009. – с. 396.; Фисак С.А. Развитие стратегий диверсификации деятельности сельскохозяйственных предприятий: Авт. дисс. к.э.н. – Новосибирск, – 2007. 21 с.

⁶ Гулямов С.С. и др. Системный анализ эффективности производства в рыночных условиях. – Т.: Мехнат, 1992. – 220 с.; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: тенденция, практика, проблемы. – Т.: Узбекистан, 1994. – 74 с.; Умурзаков У.П., Чариев К.А., Флик Р. Западные сельскохозяйственные кооперативы и ассоциации: основные принципы и различия. //Экономический вестник Узбекистана. №6, 1999. – С.7-11.; Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. Автореф. дис. иқт. фан. номз. – Т., 1994. – 22 б.; Фармонов Т. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. –

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини талаб этувчи бугунги шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, турлари ва сифатини аҳоли турмуш даражасини иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга мутаносиб равишда оширишни таъминлашда диверсификациялашнинг замонавий концепциясини қўллаш имкониятларини тизимли тадқиқ этиш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот иши йўналишини танлашда асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг йўналишлари ва услубларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш;

худудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий ёндашувини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва диверсификациялаш сиёсатини амалга оширишнинг истиқболли йўналишларини асослаш;

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг диверсификация даражасига таъсирини таҳлил қилиш ва уларни прогноз қилиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш стратегиясини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг алгоритмик моделини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашда маркетинг услубларидан фойдаланиш афзалликларини асослаш;

Қорақалпоғистон Республикаси худудларининг ички имкониятларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғи ва ундаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Т.: Янги аср авлоди, – 2004. – 30 б.; Назарова Ф.Х. Аграр тармоқ ва миллий модель.// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №1, 2001. – 6-7 б.; Аимбетов Н.А. Концепция социально-экономического развития районов Республики Каракалпакстан на основе использования имеющегося в регионе природно-сырьевого потенциала. //Сборник тезисов V Международная научно-практическая конференция «Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья». – Нукус: Илим, 2014. – С.168–169.; Нигмаджанов У.Х. Агрпромышленный комплекс Республики Узбекистан на пути к рыночной экономике. – Т.: Мехнат, 1994. – 153 с.; Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 508 б.;

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши субъектлари фаолиятини диверсификациялаш билан боғлиқ муносабатлар, услуб ва усуллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишларини белгилаш минтақани ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича “шартли ҳудуд”ларга ажратиш асосида такомиллаштирилган;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида “Агробизнес ва маркетинг” бўлимини ташкил этиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозорини тартибга солиш ва ягона ахборот тизимини шакллантириш таклиф этилган;

минтақадаги чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган кластерлик фаолиятини аутсорсинг муносабатларини жорий этиш асосида такомиллаштириш асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг 2019-2023 йилларгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, “диверсификация фаолияти” тушунчасининг моҳиятини ёритиб беришда муаллифлик ёндашуви амалга оширилган;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди шартли зоналарга бўлиб ўрганган, ҳар бир зонани қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш асосида ривожлантириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг асосий турдаги маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси паст бўлган маҳсулотларни истеъмол даражасига етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашда хорижий тажрибалар таҳлил қилиниб, улардан Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан мавзуга оид хорижий ҳамда мамлакат олимлари олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари нормалари таҳлили, статистик маълумотларни таққослаш, эконометрик моделлаштириш ва компьютер ҳисоб-китоблари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва тавсиялардан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва рақобатдошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш

ва диверсификациялаш бўйича мақсадли дастурларни қабул қилувчи мутасадди ташкилотларнинг фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тармоқ иқтисодиёти муаммоларига оид илмий изланишларни олиб бориш, қишлоқ хўжалиги тизи-мида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент асослари”, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги”, “Аграр бозорни бошқариш” фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш услубларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишларини белгилашга оид асосланган таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 03/027-3077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этишни таъминловчи диверсификациялаш йўналишларини аниқ белгилаш имкони яратилган;

минтақадаги чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган кластерлик фаолиятини аутсорсинг муносабатларини жорий этиш асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 03/027-3077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасидаги чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган кластерлар фаолиятида аутсорсингдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, агросаноат интеграциясининг янада кучайтириш имконияти яратилган;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида “Агробизнес ва маркетинг” бўлимини ташкил этиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозорини тартибга солиш ва ягона ахборот тизимини шакллантириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 03/027-3077-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозорини тартибга солиш ва ягона ахборот тизимини шакллантириш имконияти яратилган;

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг 2019-2023 йилларгача бўлган прогнози Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 03/027-3077-сон маълумотномаси). Прогноз ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинлар майдони бир минг гектарга ошиши қишлоқ

хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 6,2273 млрд. сўмга, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг бир млрд. сўмга ошиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 4,5563 млрд. сўмга, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг бир минг кишига ошиши қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотини 21,5602 млрд. сўмга ошишига таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та Халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар, жумладан уларнинг 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шундан 8 таси маҳаллий, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган, 7 таси илмий-амалий анжуманларидаги маърузалар тезисларидир.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 17 та таҳлилий жадвал, 33 та расм ва 14 та иловани ўз ичига олган ҳолда 141 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида диверсификациялашнинг моҳияти ва илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг назарий асослари ёритилиб, диверсификациялаш даражасини баҳолашда услубий ёндашув ва ҳудудий хусусиятлари баён этилган.

Ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигининг асосий соҳаларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, у нисбатан мураккаб ва меҳнатталаб соҳа ҳисобланади. Аграр секторда таркибий ўзгаришларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро ҳисоб-китоб механизмларини ишлаб чиқиш, бу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан ҳозирги пайтда республиканинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг янги механизмларини жорий этиш зарурати туғилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминловчи узоқ муддатли стратегик режаларни

ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантларини излашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини ошириш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, қишлоқ ҳудудларида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони камайиб боришининг олдини олиш масалалари ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, турлари ва истеъмолчилар сонининг ошиб бориши, рақобатнинг кучайиши бозорнинг маълум улушига эга бўлиш учун соҳа корхоналари фаолиятида хўжалик юритишнинг замонавий усулларини қўллаш асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакат қишлоқ хўжалигида рақобат асосларининг кучайиши муносабати билан корхонанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги барқарор ҳолати, рақобатбардошлиги, молиявий натижадорлиги ва самарадорлиги масалалари муҳим аҳамият касб этади. Харидорнинг талаби ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида фойдали товар улушини ўзлаштириш бўйича конъюнктуранинг ўзгарувчан шароитларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ривожланишининг оқилона моделини доимо қидириш бозордаги ўзгаришлар, истеъмолчилар талаби тебранишларига қарши туриш сифатида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш аҳамиятини оширишни талаб этади.

Диверсификация тушунчасининг таърифи латинча *diversus* – турли ва *fasere* – қилмоқ, шунингдек инглизча *diversification* сўзларидан келиб чиққан. Иқтисодий нуқтаи назардан бу корхонанинг иқтисодий ресурсларини қайта тақсимлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кўпайтириш, унинг янги турини ишлаб чиқариш, асосий фаолият билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган янги соҳада иш олиб боришни англатади.

“Диверсификация” атамасига хорижлик олимлар томонидан жуда кўп таърифлар берилган. Америкалик иқтисодчилар С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензи диверсификацияни “таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия”⁷ сифатида таърифлаганлар.

Диверсификация атамасига ўзбек иқтисодчиси Ж.Жалолов: “Бевосита бири бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши ва корхона фаолиятининг диверсификациялашувига эса, иш фаолиятида ўзаро бевосита боғланмаган бир нечта ишлаб чиқариш турларининг ривожланиши ёки корхона таркибига янги тармоқнинг киритилиши⁸”, – дея таъриф беради.

Россиялик олим В.Д.Камаевнинг фикрича, “диверсификация – ўзаро боғлиқ бўлмаган кўплаб ишлаб чиқариш турларининг бир вақтда ривожланишидир⁹”. Бу таъриф диверсификация жараёнини бир томонлама изоҳлайди. Гап шундаки, диверсификация нафақат ўзаро боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш

⁷ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело, 1997. – 351 стр.

⁸ Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Акрамов Т.А., Нематов И.У. Ташки иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б

⁹ Экономическая теория. //Науч. Ред. В.Д. Камаев. – М., 1999. – 599 с.

турлари, балки ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш турлари ўртасида ҳам юз бериши мумкин.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашга қуйидагича таъриф берилган: Диверсификациялаш бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс ва синергетик самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва истеъмол талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш таркибини қайта шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси таҳлили ва маркетинг услублари ёрдамида диверсификациялаш салоҳиятини баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобда Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқаришининг минтақавий хусусиятлари ва унинг ривожланиш ҳолати таҳлил қилиниб, маркетинг усулларидадан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги баён қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасининг умумий ер майдони 166,59 минг кв.км ни ташкил этиб, Ўзбекистон ҳудудининг 37,2 фоизини ташкил қилади. Қорақалпоғистоннинг асосий экин майдонлари қадим замонлардан буён суғориладиган Амударё дельтасига тўғри келади. Республиканинг экин майдонлари нисбатан чекланган. Суғориладиган ер майдони 510,4 минг га ёки умумий ер майдонининг 3,1 фоизинигина ташкил этади. Экин майдони 2018 йилда 231,1 минг гектар ёки суғориладиган ерларнинг 45,3 фоизини ташкил қилган холос. Бу ҳолат суғориш учун сув таъминотининг етишмаслиги натижасида Қорақалпоғистоннинг потенциал ер майдонларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги глобал муаммо эканлигидан дарак беради.

Минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан аҳоли барча қатламларининг турмуш даражаси ва биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ. Минтақавий ривожланишнинг стратегик йўналишлари асосини ташкил этувчи тамойиллардан бири озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилни амалга ошириш агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи сабабларни бартараф этиб, янги имкониятларни яратади.

Муайян соҳанинг ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг истиқболли йўналишларини аниқлаш мезони бозорларнинг маҳсулот билан тўйиниш кўрсаткичи ҳисобланади. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳар бири учун аҳолининг истеъмол талаби ва маҳсулотларнинг асосий гуруҳларини истеъмол қилиш хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркиби аниқланади, бу эса агросаноат соҳасини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш имконини беради. Соҳанинг ривожланиш истиқболини аниқлаш учун:

1) Худудий аҳолининг истеъмол талаби озиқ-овқат истеъмол нормаси ва аҳоли сони бўйича аниқланди:

$$I_T = I_H \times A_c \quad (1)$$

2) Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси куйидагича аниқланди:

$$T_d = \frac{X_H}{I_T} \times 100\% \quad (2)$$

Бу ерда: I_T – аҳолининг истеъмол талаби, т.

I_H – озиқ-овқат истеъмоли нормаси, кг.

A_c – аҳоли сони, киши.

T_d – аҳолининг маҳсулотлар билан таъминланганлик даражаси, %

X_H – маҳсулотларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажми, т.

Ушбу формулалар ёрдамида худудий аҳолининг истеъмол талаби ва маҳсулотлар билан таъминланганлик даражаси аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилда асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан аҳоли талабини қондириш даражаси¹⁰

Асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Истеъмол нормаси	ҚР аҳоли сони (минг. киши, 01.01.2019)	Аҳоли истеъмол талаби (тонна) (2x3=4)	Ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажми (минг.тонна)	Аҳоли талабини қондириш даражаси, % (5:4=6)	Аҳоли жон бошига туғри келиши, кг (5:2=7)	Жон бошига талабнинг қондирилиши, кг (7-2=8)
1	2	3	4	5	6	7	8
Картошка	54,6	1869,7	102085,6	67736	66,4	36,2	-18,4
Сабзавот	116		216885,2	247319	114	132,3	16,3
Полиз	19,6		36646,1	138558	378	74,1	54,5
Мева ва рез.	68		127139,6	49750	39,1	26,6	-41,4
Узум	13,9		25988,8	7323	28,2	3,9	-10,0
Гўшт	60		112182	106514	95	56,9	-3,1
Сут	140		261758	376486	143,8	201,4	61,4
Тухум	295		551561,5	303195	55	162,1	-38,9
Асал	2,4		4487,3	596,1	13,3	0,3	-2,1
Балиқ	13,4		25054	9626,2	38,4	5,1	-8,3


Жадвал маълумотларидан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида фақат сабзавот, полиз ва сут маҳсулотлари бўйича аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш истеъмол талаби даражасига мос. Қолган маҳсулотлар бўйича аҳвол қониқарсиз, хусусан: республика худудида узум етиштириш бўйича аҳоли талаби 25998 тоннани ташкил этиб, ҳақиқий етиштирилган маҳсулот 7323 тон-

¹⁰ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

нани ташкил қилган ва аҳоли талабини 28,2 фоизга қондириб, жон бошига 10 килограммга оширишни тақозо этади.

Картошка бўйича аҳоли талабини 66,4 фоизга таъминлаб, истеъмол талабини қондириш учун жон бошига 18,4 килограммга, мева резаворлар билан 39,1 фоизга таъминланиб, жон бошига 41,4 килограммга, балиқ билан таъминланиш даражаси 38,4 фоизни ташкил қилиб, жон бошига 8,3 килограммга, асал 13,3 фоиз таъминланиб, жон бошига 2,1 килограммга, тухум эса 55,0 фоизга таъминланиб, жон бошига 38,9 донага оширишни талаб этади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашда айнан ушбу маҳсулотлар ҳажмини оширишни устувор йўналиш сифатида қабул қилиш зарурлигини яна бир бор асослайди.

Таҳлилларга кўра, охириги 10 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг асосий турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш даражаси ошган. 2009 йилда барча турдаги маҳсулотлар бўйича аҳоли талаби қондирилмаган. 2018 йилга келиб сут, полиз ва сабзавот маҳсулотлари бўйича аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш истеъмол талаби даражасига мос. Жумладан, 2009 йилда сабзавот 124,8 минг тонна, сут маҳсулотларини етиштириш 171,3 минг тоннага тенг бўлиб аҳоли талабини мос равишда 65,9 ва 75 фоизга қондирган бўлса, 2018 йилга келиб, сабзавот етиштириш 247,3 минг тоннага, сут етиштириш 376,5 минг тоннага етказилган ва қўшимча 41,6 минг тонна сабзавот ва 75,5 тонна сут етиштирилиб, аҳоли талаби мос равишда 114 ва 143,8 фоизга қондирилган. Лекин мева резаворлар, тухум, узум ва картошка маҳсулотлари бўйича аҳоли эҳтиёжлари ҳозиргача қониқарсиз даражада қолмоқда (1-расм).



1-расм. 2009-2018 йилларда ҚР аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси динамикаси¹¹

Маълумотларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкин, республикада сабзавот ва сут маҳсулотлари билан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлай олиши мумкин, бу сабзавот ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун катта потенциал имкониятлар мавжуд эканлигини билдиради.

¹¹ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Лекин, шунга қарамай, эксперт сўровлари ва таҳлиллар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бозорларида қиш ва баҳор мавсумида сабзавот маҳсулотларнинг нарх-навоси кескин қўтарилиб кетишини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришда ҳудудий тайёрлов ташкилотлари фаолиятида бир қатор камчиликлар мавжудлиги, захира мақсадлари учун омборхоналар ва совуткичли сифимларнинг етишмаслиги ҳамда республика ҳудудида замонавий иссиқхоналарнинг камлигидан далолат беради.

Маълумки, ички ишлаб чиқариш имкониятларини сафарбар этиш ҳисобига минтақалараро товар ҳаракати такомиллашуви мамлакатни озиқ-овқат билан ишончли таъминлашнинг зарур воситаси сифатида намоён бўлади. Ушбу боғлиқлик бир минтақадан бошқасига озиқ-овқат маҳсулотлари оқимлари ҳаракатида кузатилади. Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш асосида маҳсулотнинг етишмаётган турларини ишлаб чиқариш ва минтақа эҳтиёжлари таркибига йўналтирилган озиқ-овқат ресурсларини оқилона тақсимлаш бозорнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Бунда маҳсулотнинг муайян турларини четдан олиб келувчи ва четга чиқарувчи, минтақа учун ўзини-ўзи таъминлаш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон Республикаси асосий турдаги маҳсулотлар билан (картошка, мева резаворлар, узум) таъминланиш даражасини истеъмол талаби даражасига етказиш мақсадида республикага бошқа ҳудудлардан олиб келинувчи маҳсулотлар оқимини такомиллаштириш, ички деҳқон бозорларини тартибга солиш, агромаркетинг ва агрологистикани ривожлантиришни тақозо этади. Қорақалпоғистон Республикасида паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва уларни етиштириш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини тўрт шартли зонага бўлиб ўрганилиб, ҳар бир зонани ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун нисбатан қулай шароитлар 1 ва 2-ҳудудда мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

Диссертацияда диверсификация стратегиясини ишлаб чиқишда Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ маъмурий туманларининг ижтимоий ва табиий-иқтисодий шароитлари ҳисобга олинган. Муаллиф томонидан SWOT таҳлили асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш стратегиясини такомиллаштиришда ҳудуднинг кучли ва заиф томонлари аниқланган.

1-ҳудудда аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Масалан, картошка 96,9 фоизга, сабзавот 160,7 фоизга, гўшт 116 фоизга ва сут 193,2 фоизга таъминланиб, аҳоли талаби тўлиқ қондирилган. Ушбу ҳудуднинг сув билан таъминланиш даражаси нисбатан барқарор, табиий-иқлим шароити бошқа ҳудудларга нисбатан ҳаво ҳарорати $+5^0$, $+6^0$ га юқори.

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг турли зоналарида
мавжуд ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили¹²**

Зоналар	Туманлар	Умумий ер майдонлари		Экин майдонлари		Худудда яшовчи аҳоли		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш		
		Суғориладиган майдон, минг га	Суғориладиган майдон худудлар бўйича, %	Экин майдони, минг га	Экин майдони худудлар бўйича, %	Аҳоли сони, минг. киши	Аҳоли сонида худудлар улуши, %	млрд.сўм	%	Худудлар улуши %
1-худуд	Амударё	39,5	27,1	35,3	43,2	195,2	40,1	1196641,6	17,9	52,9
	Беруний	33,1		21,6		187,6		836640,6	12,5	
	Тўрткўл	31,7		22,7		210,3		760809,5	11,4	
	Эллиқалъа	34,1		20,3		156		737348,1	11	
2-худуд	Кегейли	53,9	22,8	16,3	21,4	89,4	34,6	400302,0	5,99	17,9
	Нукус	30,8		12,9		49,1		257167,0	3,85	
	Хўжайли	29,5		20,2		194		498556,9	7,46	
	Нукус шах	2,2		0,1		315,1		38887,1	0,58	
3-худ	Чимбой	53,1	24,2	16,7	17,5	115,2	11,1	492378,1	7,37	15,1
	Тахтакўпир	34,7		10,9		39,9		245862,2	3,68	
	Қораўзак	35,6		12,9		52,4		274048,8	4,1	
4-худуд	Қонликўл	35,6	25,9	11,7	17,8	50,3	14,2	222448,8	3,33	14,1
	Шўманой	29,2		14,6		55,6		253249,2	3,79	
	Кўнғирот	41,5		13,8		128,3		345575,5	5,17	
	Мўйноқ	26,1		1,1		31,3		120684,8	1,81	
ҚР жами:		510,6	100	231,1	100	1869,7	100	6680600,3	100	100

Баҳор фаслининг эрта келиши ҳудудда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жумладан: пахта, ғалла, полиз, мева-резаворлар ва сабзавотлар етиштириш учун қулай ҳисобланади. Ушбу ҳудудда ёпиқ грунтда маҳсулотларни парник ва иссиқхоналарда етиштириш учун ҳам қулай шароит мавжуд. Таҳлилларга кўра, 1-худудда мева-резаворлар, узум ва тухум билан таъминланиш даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори бўлишига қарамай, аҳоли талаби мос равишда 71,8 фоиз, 42,5 фоиз ва 76,9 фоизгагина қондирилган ҳолос (3-жадвал).

Худди шунга ўхшаш ҳолат 2-худудда ҳам мавжуд бўлиб, суғориладиган экин майдонларининг 21,4 фоизи шу ҳудудда жойлашган, республика аҳолисининг 34 фоизи шу ҳудудда яшайди, ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 17,9 фоизини ташкил этади. Демак, бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш бўйича ишларни кучайтириш, ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

¹² Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

3-жадвал.**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси (фоизда)¹³**

Худудлар	Картошка	Сабзавот	Мева	Узум	Гўшт	Сут	Тухум	Асал	Балиқ
1-худуд	96,9	160,7	71,8	42,5	116	193,2	76,9	17,2	18,8
2-худуд	33	63,53	13,8	15,9	50,7	79,9	24,5	7,9	8,0
3-худуд	97,5	131,7	33,7	27,5	143	162,3	62,5	19,1	43,1
4-худуд	37,1	91,65	13,2	18,1	105	146,1	61,3	10,7	164,3
ҚР жами:	66,4	114	39,1	28,2	94,9	143,8	55,0	13,3	38,4

3-худуд республиканинг экин экиладиган ер майдонларининг 17,5 фоизини, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида эса 15,1 фоизни ташкил этади. Таҳлилларга кўра, нисбатан паст кўрсаткичларнинг асосий сабаби ҳудуднинг сув ресурслари билан таъминланиш даражаси, ерларнинг бонитет бали ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги пастлиги ва ерларнинг шўрланиш даражасини юқорилиги ҳисобланади. Республика пичанзор ва яйловларининг 52,1 фоизи ушбу ҳудудда жойлашганлигига қарамай, қорамолларнинг 14 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 26,3 фоизи, от ва туяларнинг 31,3 фоизигина ушбу ҳудуд улушига тўғри келади. Ваҳоланки, маълумотларга кўра, ушбу ҳудуд чорвачиликни ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга (4-жадвал).

Муаллифнинг фикрича, Тахтакўприк туманида чорва моллари учун яйлов ерлари ва озуқа базасини шакллантириш имкониятлари мавжудлиги туфайли, бу туманда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Ушбу ҳудудда жойлашган Қораузак туманида табиий кўллар мавжудлиги балиқчиликни ҳам ривожлантириш учун қулай ҳисобланади.

4-жадвал.**Қорақалпоғистон Республикасининг яйловлар ва чорва молларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (фоизда)**

Худудлар	Яйловлар	Қорамоллар	Қўй ва эчкилар	Отлар	Туялар	Чўчқалар	Паррандалар
1-худуд	19,8	49,8	40,5	24,2	25,2	20,7	56,9
2-худуд	5,7	19	11,7	24,8	15	27,3	13,7
3-худуд	52,1	14	26,3	31,3	30	32,3	17,4
4-худуд	22,4	17,2	21,5	19,7	29,8	19,7	12
ҚР	100	100	100	100	100	100	100

4-худуд республика умумий ер майдонининг 69,3 фоизи ва жами экин экиладиган майдонларнинг атиги 17,8 фоизини ташкил қилади. Ушбу ҳудудда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг энг паст кўрсаткичи қайд этилган (14,1 фоиз). Бунинг асосий сабаби сув ресурслари билан

¹³ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

таъминланиш даражаси нисбатан паст ва ҳудудда экологик муоммолар ҳам мавжудлигидадир. Маълумотлар таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, масалан, Мўйноқ туманида эчкичилик, йилқиччилик, қорамолчилик, туячилик ва паррандачиликни ривожлантириш ва маҳаллий хомашёдан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий салоҳиятини кластерларни шакллантириш орқали ошириш ҳам маъмурият, ҳам тадбиркорлик тузилмаларининг устувор вазифаси ҳисобланади. Шакллантирилган кластерларнинг муваффақияти маълум инновацион дастур, кластер жойлаштирилувчи ҳудуднинг ноёб ресурслари ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлим шароитлари ва бошқа афзалликларга боғлиқ.

Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларининг шахсий ёрдамчи хўжаликлар томонидан етиштирилиши истиқболда ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида гўшт маҳсулотларининг 96,1 фоизи, сутнинг 94,4 фоизи, тухумнинг 87,1 фоизи, қоракўл терининг 93,1 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмокда (5-жадвал).

5-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикасида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (фоизда)¹⁴


Чорвачилик маҳсулотлари	Фермер хўжаликлари	Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
Гўшт	2,4	96,1	1,5
Шу жумладан: қорамол гўшти	2,6	95,9	1,6
Кўй ва эчки гўшти	1,4	97,8	0,8
От гўшти	5,6	93,5	0,9
Парранда гўшти	1,5	96,8	1,7
Сут	4,7	94,4	0,9
Тухум	5,9	87,1	7,0
Жун	5,6	85,5	8,9
Қоракўл тери	3,0	93,1	3,9
Асал	22,9	70,7	6,4

